



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 10-avgust • Seshanba • 93 (31.213) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 август куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Кацүя Окадани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва турли соҳалардаги ривожланиш даражасидан мамнун эканини билдирди.

— Бизнинг ҳозирги муносабатларимиз даражаси ва характери 2002 йилда имзоланган «Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги қўшма ҳужжатга, шунингдек, Япониянинг бугунги дунё иқтисодий ва сиёсатида тутган алоҳида ўрнига ҳам мос келади, — деб таъкидлади Ислам Каримов.

Бугун Япония мамлакатимизнинг вақт синовидадан ўтган шерикларидан ҳисобланади. Унинг Ўзбекистон иқтисодига жалб қилинган сармоялари ҳажми 2,3 миллиард АҚШ долларидан ортади. 2009 йилдан амал қила бошлаган «Сармояларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим йирик япон сармояларининг Ўзбекистон бозоридидаги фаоллигини янги босқичга кўтарди. Масалан, «Мицубиси» корпорацияси мамлакатимиз кимё саноатидаги қатор корхоналарни модернизация қилишда иштирок этмоқда, «Узавтосаноат» компанияси мутахассислари «СамАвто» заводида Япониянинг «Итоку» концерни вакиллари билан биргаликда янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, «Мицубиси» корпорацияси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва мультимодаль логистика марказини барпо этишда фаоллик кўрсатмоқда, шунингдек, «Сумитомо» компанияси билан юқори

технологиялар соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) раҳбарияти Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган 43-йиллик мажлисидаги иштироки мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш лойиҳаси бўйича қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг битимни имзолади. Бу Ўзбекистон — Япония алоқалари нечоғли мустақкам эканини яна бир бор тасдиқлади.

Минтақада мустақкам тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик доирасида «Марказий Осие + Япония» мулоқот механизми амал қилмоқда. Шу кунларда аъзо давлатлар ташқи ишлар вазириларининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар диққат марказида бўлди.

Оқсаройдаги учрашувда Кацүя Окада қабул учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб бораётган ҳар томонлама оқилона ва конструктив сиёсатини юқори баҳолади.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истисқболларига доир ва мунодаларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Фракция аъзолари фаолиятдан



— Қонун лойиҳаси 6 боб, 25 моддадан иборат, — дейди депутат Ҳафиза Каримова. — Унинг асосий мақсади — ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш,

фуқароларнинг ахборот-кутубхоналарда сақланаётган манбалардан эркин фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлашдан иборат. Айни пайтда ҳужжат иккинчи ўқишда муҳокамага киритишга тайёрланмоқда. Ҳозир биз, ишчи

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш, депутатлар муҳокамасига олиб чиқиш учун қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва ЎзДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова (суратда чапда) масъул этиб белгиланган.

гурӯҳи лойиҳа бўйича депутатлар, қўмиталар ва фракциялар, шунингдек, соҳа мутахассислари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганаёмиз. Уларнинг барчаси умумлаштирилган ҳолда лойиҳа янада такомиллаштирилади.

## ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

«Марказий Осие + Япония» мулоқоти доирасида Тошкентда ташқи ишлар вазириларининг учинчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Япония ташқи ишлар вазири Кацүя Окада, Қозоғистон Республикаси давлат котиби — ташқи ишлар вазири Канат Саудабаев, Қирғизистон

Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Қазакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳамроҳон Зарифий ва Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов иштирок этди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

→2



**19 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!**  
1991  
Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамыз.  
Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга сўяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётини барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олаши — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

«Юсак маънавият — энгилмас куч» китобидан

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшиш ойи

Катта хирмон — бугунги файратга боғлиқ

Дехон учун август ойи ойнинг аҳамияти катта. Бу ой ҳосилга ҳосил қўшилаётган дам. Буни тўғри англаган деҳонлар асаднинг ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ҳосил чўғини оширишга ҳаракат қилаётди. Бизнинг «Тўйчи-бобо» фермер хўжалигини 100 гектар ер мавжуд бўлиб, шунинг 40 гектарига чигит экканмиз. Ҳосилнинг чўғи анча баланд. Аммо бу бизни қаноатлантирмайди.

Тажрибадан маълумки, мўл ҳосил яратиш учун биринчи навбатда экинни суғоришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бундан ташқари, қатор ораларини 15-18 сантиметр чуқурликда культивация қилиш ҳам фойдалан холи бўлмайди. Бундай усул билан ишлов берилганда экиннинг озуқа томирлари кўш хароратидан баҳра олиб, зарурий озуқаларга тўйинади. Бунда экин илдизига зарар

етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш муҳим. Суғуришимиз суғоришни фақатгина тунда олиб борилади. Биринчидан, тунда суғорилган экин сувга қонади. Шундангина маҳаллий ўғит фўза томирларига куч бағишлаб, ҳосил салмоғини оширади. Бизда 3 та техника воситаси бор. Улардан икитаси ишлов техникаларидир. Шулар ёрдамида ҳозирги вақтда ишлов суруятини бир зум ҳам сусайтирмасдан меҳнат қилаймиз.

Узоқ йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг Жомбой туманимиз иклими мўътадил. Бу эса пахтага жиддий ишлов беришни талаб этади. Бугун биз фўзанинг асосий кушандаси — ўргимчаканага қарши курашиш билан шуғуланмоқдамиз. Бунинг учун ўсимликларга кимёвий ишлов берувчи мутахассислар билан биргаликда шундай зараркунанда-

ларга қарши иш олиб бораёلمиз. Чеканкани сифатли амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки фўза юқорига қараб ўсиб, говлаб кетса, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Бундай ҳолда пахта тош босмайди, юқори сифатли ҳосил олиш ҳам амримаҳол бўлади.

Дехоннинг бутун йил давомида қилган меҳнати самарасини кўрадиган пайт тобора яқинлашмоқда. Яъни, юсак хирмонлар уюладиган кунлар яқин. Ҳосил мўл бўлса, рўзгорга ҳам кутбарака кирди, даромад ошади. Таъбир жоиз бўлса, таъкидлаш лозимки, асаднинг бир куни ойга, баъзи ҳолларда йилга татийди.

Эшпўлат ТҮЙЧИБОВ, Жомбой туманидаги «Тўйчибобо» фермер хўжалиги раиси, ЎзДП фаоли, туман Кенгаши депутати

## МАҚСАД — МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Давлатимиз раҳбари томонидан парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — Кенгашлар олдига қўйилган гоят муҳим вазифалардан бири парламент қабул қилган қонунлар ижро этувчи ҳокимият томонидан бажарилишининг боришини назорат қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Наманган вилояти ҳокимлигида шу йил 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан ташкил этилган «Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

→2

«Раҳнамолар» унга диний экстремизм, фундаментализм, ақидопарастликка йўғрилган ёвузлик руҳидаги талай қўлланма ва тасвирларни Ўзбекистонда тарқатиш, тарафдорларни кўпайтиришни таклиф қилади.

4-бет

Ўрмон ёнгинлари боис элчихона ходимлари кўчирилди →3

Оила пойдевори мустақкам бўлсин →4

Ўзбекистонда турли жабҳаларда, жумладан, энергетика, банк-молия ва автомобилсозлик соҳаларида, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламадаги ислохотлар ва қўлга киритилаётган ютуқларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, мамлакатнинг раҳбарияти томонидан реал секторни ва экспорт бозорини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётийлиги билан халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакатнинг аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидир. Бу омил юртингизнинг халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустақкамлашга хизмат қилмоқда. Сауд СИДДИҚИЙ, «Srei Infrastructure Finance» компанияси бошқарувчи директори (Хиндистон)

ОБ-ҲАВО	10-11.08. 2010	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 38°C	☀ 39°C	
Самарқанд	☀ 39°C	☀ 39°C	
Нукус	☀ 37°C	☀ 38°C	
Қарши	☀ 41°C	☀ 42°C	
Урганч	☀ 37°C	☀ 38°C	
Навоий	☀ 38°C	☀ 39°C	
Фарғона	☀ 37°C	☀ 38°C	
Бухоро	☀ 38°C	☀ 39°C	
Андижон	☀ 37°C	☀ 38°C	
Наманган	☀ 37°C	☀ 38°C	
Термиз	☀ 41°C	☀ 42°C	
Жиззах	☀ 37°C	☀ 38°C	
Гулистон	☀ 37°C	☀ 38°C	
Тошкент вил.	☀ 37°C	☀ 38°C	
Лондон	☁ 31°C	☁ 30°C	
Париж	☁ 32°C	☁ 31°C	
Москва	☁ 35°C	☁ 34°C	
Мадрид	☁ 36°C	☁ 35°C	
Пекин	☁ 34°C	☁ 33°C	
Гонгконг	☁ 37°C	☁ 36°C	
Рим	☁ 32°C	☁ 31°C	
Анкара	☁ 30°C	☁ 28°C	
Токио	☁ 31°C	☁ 30°C	
Стокгольм	☁ 30°C	☁ 31°C	
Кейптаун	☁ 15°C	☁ 13°C	
Қоҳира	☁ 27°C	☁ 25°C	
Гавана	☁ 38°C	☁ 35°C	
Вашингтон	☁ 32°C	☁ 30°C	

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 YIL 10 AVGUSTDAN BO'SLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ			
1 Австралия доллари	1477,18	1 Миср фунти	284,10
1 Англия фунт стерлинги	2571,33	1 Канада доллари	1567,22
1 БАА дирҳами	438,33	1 Ҳитой юани	237,97
1 АҚШ доллари	1610,00	1 Малайзия рингити	512,25
		1 СДР	2461,79
		1 Туркия лираси	1079,81
		1 Россия рубли	1550,16
		1 Швейцария франки	2121,38
		1 Евро	2121,38
		10 Жанубий Корея воени	13,90
		10 Япония иенаси	188,48
		1 Россия рубли	53,97
		1 Украина гривнаси	204,03

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Хизматлар аниқлаш

# ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учрашувда ташқи ишлар вазирларининг 2006 йил Токиода бўлиб ўтган иккинчи кенгашида қабул қилинган «Ҳаракат дастури» ижроси сарҳисоб қилинди. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Япония ҳамкорлигида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Кенгаш қатнашчилари минтақамизда терроризм, экстремизм ва наркотрафик каби таҳдидларни

бартаф этиш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди. Давлат чегараларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш, Марказий Осиё мамлакатлари ва Япониянинг салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиб, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда иштирок этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Кенгаш иштирокчилари халқаро ядровий қуролсизланиш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик голярига содиқ эканини, минтақамизда ядровий хавфсизликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Япония томони мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Марказий Осиё-

да ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартнома 2009 йилда минтақамизнинг барча мамлакатлари томонидан ратификация қилингани билан қутлади.

Оролбўйи минтақасини экологик реабилитация қилиш, сув-энергетика захиралари ва транспорт коммуникацияларидан унумли фойдаланиш, тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ва кенг тарқатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Қатнашчиларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, бу борада замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этиш, саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида янги ишлаб чиқариш қувватларини шакл-

лантириш ва мавжудларини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифалардир. Уларни бажаришда Япониянинг тажриба ва имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадларнинг рўйбга чиқарилиши минтақадagi барча мамлакатларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Япония томони Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Япония — Марказий Осиё иқтисодий форумини ўтказиш таклифини илгари сурди. Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маълум қилди.

(ЎЗА)

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан замонавий транспорт-коммуникация тизимини яратишга мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли лойиҳаларини амалга оширишда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг юксак транспорт ва транзит салоҳияти магистрал йўллари қуриш, халқаро бозорга чиқиш учун транспорт тизимини яратиш, йўл ҳўжалигида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишга ажратилаётган маблағ ҳажмини оширишни тақозо этмоқда.



## Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг намунаси

Бу борада Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлган Тошкент шаҳрида транспорт йўлларини қуриш ва капитал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимизнинг кенг ва раван йўллари, замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилган маҳаббатли бинолар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб бораётгани, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Халқаро аҳамиятга эга транспорт магистраллари пойтахтимиздаги йўл қурилиши бўйича бош пудратчи «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» очик акциядорлик жамияти қурувчиларининг юксак маҳорати махсуслидир.

**Бугунги кунда Сергели туманига қарашли Хонобод қишлоғида учта қудратли майдалаш-саралаш қурилмаси ишлаб турибди. Улар пойтахтимизнинг асосий йўл трестининг бешта йирик асфальт аралаштириш корхонасига узлуксиз майдаланган шағал етказиб бермоқда. Учта қурилиш-таъмирлаш, битта махсус асфальт ётқизиш участкаси ташкил этилган. Ишлаб чиқариш-технологик мажмуаси бошқармачиси нафақат ўз корхонаси, балки туманлар ҳокимликларининг йўлдан фойдаланиш хизматларини ҳам асфальт билан таъминламоқда. Йўл қуриш-созлаш ишларида 600 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётди.**

Давлатимиз раҳбарининг қўлаб-қувватлаши натижасида пойтахтимиз йўллари изчил ривожланмоқда. Техник жиҳатдан халқаро стандартларга мос кенг по-

лосали магистраллар ва йўл ўтказгичлар, транспорт чорраҳалари янада узайтирилди.

Алишер Навоий, Ибн Сино, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Нукус, Паркент, Ўзбекистон, Фарғона йўли кўчаларидаги, Амир Темурафросиёб шох кўчалари каби кенг ва раван йўллар дунёнинг йирик шаҳарларидаги катта кўчалардан мутлақо қолишмайди.

Пойтахтлик йўлсозлар Тошкент автомобиль халқа йўли ва Кичик автомобиль халқа йўли қурилишида ҳамда уларни реконструкция қилишида ўзларининг юксак маҳоратини намояндалаштирдилар. Ушбу икки йўл шахримиз бўйлаб йўловчиларнинг хавфсиз ташиш ва юклар транзитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Халқаро аҳамиятга эга учта йўл ўтказгич, еттига умумдавлат, ўн та мамлакат аҳамиятига эга ва бошқа йўлларни боғлаган 67 километрлик Катта халқа йўли юкларни шаҳарга кирмасдан олиб ўтиш имконини бермоқда. Бу, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, экологияни яхшилашга хизмат қилаётди.**

Бу борада қўйилган яна бир қадам — Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Кичик халқа йўли эса пойтахтимизда тобора кўчиб бораётган транспорт оқимини тартибга солиш имконини бермоқда. Бугун қатор кўприк ва йўл ўтказгичларни ўз ичига олган узунлиги 32 километрдан ортиқ ушбу йўл Учтупа, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Яккасарой, Миробод, Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманларини бири-бири билан боғлади.

**Айни пайтда Тошкент йўлларда тирбандлик деярли кузатилмайдиган дунёдаги санокли пойтахт шаҳарлардан бири ҳисобланади.**

«Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» очик акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, пойтахтимиз орқали ўтадиган транс-

порт оқимини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга доир ишлар давом этмоқда. Бугунги кунда барпо этилаётган Гулистон-Оҳангарон автомобиль йўли мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидан Фарғона водийсига ва, аксинча, водийдан ушбу вилоятларга олиб ўтиладиган юклар оқимининг пойтахтимизни четлаб ўтишига ёрдам беради.

**Пойтахтимиз йўлсозлик саноатининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Техника парки 20 турдан ортиқ оғир юк кўтарадиган 38 та самосвал ва йўл-қурилиш механизмлари билан тўлдирилди.**

Шаҳар ҳокимлигининг ёрдами билан яна битта йирик майдалаш-саралаш қурилмаси ўрнатилди. Янги ва замонавий ушбу техника меҳнат унумдорлигини, йўл ишлари сифатини ошириш, уларнинг таннархини камайтириш имконини берди.

**Қўрилаётган бундай чора-тадбирлар тўғрисида жорий йилнинг етти ойи мобайнида Тошкент бosh йўл трести умумий қиймати 4,3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Шаҳрсабз кўчаси, Мирзо Улугбек шох кўчаси, Султония ва Истиклол кўчаларида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Тошкент аэропортига кириш йўллари ва кўприклар қурилиши тез суръатлар билан олиб борилаётган.**

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамида пойтахтимиз янада гўзал, обод ва кўркам бўлиш учун «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» очик акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси янги йўлларни қуриш ҳамда мавжудликнинг капитал таъмирлаш ишларини изчил давом эттирмоқда.

В.РУДАКОВА,  
ЎЗА мухбири

# МАҚСАД — МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Семинар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари иштини ташкил этишда, уларнинг асосий вазифалари ва функцияларини самарали амалга оширишда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришда депутатларга ёрдам бериш, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий билим даражасини ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилди.

Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қонунларини ҳамда Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган Дастури доирасида қабул қилинган минтақавий дастурларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номида маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўйбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Ҳаракат дастурини, 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган фаолиятини кучайтириш, фуқароларда ҳуқуқий билимларни шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан узлуксиз фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар асносида энг долзарб вазифалардан бири жойларда депутатлар корпусининг гоят муҳим функцияси сифатида қонун ҳужжатлари, қабул қилинган бошқа ҳужжатлар ва қарорлар ижро этилишини таъсирчан назорат қилишни таъминлашга қаратилган иш янада кучайтиришдан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларини режалаштириш, кун тартибини шакллантириш чоғида мақсад ҳамда вазифаларни аниқ қўйишдан иборат эканлиги кўрсатилди.

Маърузаларда ва семинар қатнашчиларининг чиқишларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада тақомиллаштириш, депутатлик назоратини амалга оширишда бу фаолият-

нинг самарадорлигини кучайтириш масалалари юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, маҳаллий депутатлар гуруҳлари ўртасида инновацион ахборот ва голяларни доимий равишда алмашиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли ҳудудлардан сайланган аъзолари билан яқиндан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, депутатлар корпусининг салоҳияти ва фаоллигини ошириш, партиаларнинг депутатлар гуруҳлари фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган ишни кучайтириш ва бу гуруҳларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятида бевосита иштирок этиши каби иш шакллари амалийотга кенг жорий этиш зарурлиги ҳақида таклифлар берилди.

Семинар ишида сенаторлар, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари ҳамда ушбу вилоятлар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг, бир қатор илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳуқуқшунос олимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

# Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади

## ЎЗХДП: устувор вазибалар

Бу эса кадрларни танлаш, тарбиялаш ва захирадаги кадрлар билан ишлашнинг янги асосларини излаб топишни тақозо этади. Жиззах вилояти партия кенгашида бўлиб ўтган ўқув семинари ана шу муҳим мавзуга бағишланди. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларининг масъул ходимлари, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотлари етакчилари, партия фаоллари иштирок этган семинарда ЎЗХДП Марказий Кенгашининг партия тизими учун кадрлар танлаш ва захира кадрлар билан ишлаш бўйича концепцияси мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида атрафлича сўз юритилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Алиқобил ЎСКАНОВ, Зарбдор туман партия кенгаши раиси:** — Захира кадрларни танлашда, менимча, уларнинг аввало партия ишига садоқати, фидойилиги, фаол фуқаролик позицияси инобатга олинishi лозим. Чунки, партиявий-сиёсий иш қилишдан биринчи навбатда ана шу ҳислатларга эга бўлишни талаб қилади.

**Дилрабо БЕГИМКУЛОВА, Ғаллаорол туман кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти раиси:** — Захирага олинган кадрлар учун доимий ишлайдиган ҳудудий ўқув семинарлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Назаримда, бундай ўқув семинарларда партия фаолияти, унинг ҳаракат дастурига доир масалаларни ўрганиш лозим. Бундан захирадаги кадрлар ҳам, қўлаверса, жойлардаги партия кенгашлари ҳам фойда топади.

Йиғилишда вилоятдаги шаҳар ҳамда туман кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари орасида ҳали-ҳануз партиянинг дастурий мақсадларини рўйбга чиқаришда сўз фаолият юритаётган кадрларнинг борлиги қайт этилди. Бундай кадрлар ўрнини муносиб ёш кадрлар билан мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Бу борада Арнасой, Мирзаўл ва Жиззах туманлари партия ташкилотларида, айниқса, кўп иш қилиниши керак.

Семинар ишида ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири Зокиржон Холматов иштирок этди ва партия фаолиятининг асоси бўлган кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва тарбиялаш, муносиб кадрлар захирасини яратиш бўйича партия ташкилотлари олдига турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Худди шундай мавзудаги тадбир Самарқанд вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Унда ЎЗХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия фаоллари иштирок этти.

Мен қарийб 5 йилдан бери ЎЗХДП аъзосиман. Ёшим 25 да. Партиядошларим орасида энг ёш депутат ҳисобланаман. Айни кунларда ЎЗХДП Пахтачи туман кенгаши қошидаги «Истикбол» ёшлар қаноти бошқарман, — дейди Зафар Ходиев. — Партия сафида ёш, истиқболли кадрларни жалб қилишнинг аҳамияти жуда катта. Улар сиёсий кучлар яшарттиради, унга жўшқинлик бахш этади. Бугунги семинарда партия кадрлар захирасини ёшлар ҳисобига бойлайтиш бўйича амалий таклифлар билан чиқмоқчиман. Режамиз катта, уни амалга ошириш учун куч, билим ва сало-



ҳиятни ишга солишимиз лозим. — Мамлакатимиз Президентининг томонидан сиёсий партиялар фаолияти учун барча ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилган. Партияимиз электорати манфаатларини ҳимоялаш, сафимизга ёш кадрларни жалб этишимиз лозим. Бунинг давринг ўзи тақозо этмоқда. Шу сабабли партияимиз Марказий Кенгаши ҳам кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди ЎЗХДП МК ташкилий кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими гуруҳи мудири ўринбосари Аваз Саидов. Шу ўринда айтиш жоизки,

Самарқанд вилояти ЎЗХДП шаҳар ва туман кенгаши учун ёш, иқтидорли кадрларни тарбиялаш ва лавозимларга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. — Самарқанд вилоятида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли 790 миң нафарни ташкил этади, шунинг 2000 нафари ЎЗХДП аъзосидир, — дейди вилоят партия кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти раҳбари Отабек Мухаммадиев. — Улар орасида ташаббускор ёшлар қанча кўп бўлса, фаолият шунча жўшқин бўлади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

## Ижтимоий ҳимоя

Қашқадарё вилояти бўйича аҳоли бандлигини таъминлаш учун ўтган олти ойда 48115 та янги иш ўринлари яратилди

## Аҳоли учун янги иш ўринлари

Маълумки, ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳимояси тинчлиги ва фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг аъзолари, жумладан, аёлларнинг иш билан бандлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам вилоятда хотин-қизларни, айниқса, ёш болалар тарбияси билан банд уй бекаларини касаначиликка жалб этишга катта эътибор қаратиляпти. Шунингдек, вилоятда уй меҳнатининг барча шаклла-

рини ташкил этиш бўйича режадаги 15744 та ўрнига амалда 16895 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Меҳнат шартномаси асосида корхоналар билан кооперация (касаначилик) асосида 4058 та янги иш ўринлари очилди. Бу эса аёлларнинг иш билан бандлиги кўрсаткичи ошиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминляпти.

Музоффар ТУРОПОВ

## Ёшлар бандлиги эътиборда

Ёшларни иш билан таъминлаш борасида Олтинсой туманида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда

Қарийб 150 миң нафар аҳоли истиқомат қиладиган туманининг асосий қисмининг ёшлар ташкил этади. Амалдаги ўқув йилида тумандаги 7 та касб-ҳунар коллежини 1200 нафар йигит-қиз тугаллаб, мустақил хайтага қадам қўйишди. Ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 70 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса мутасаддилари иштирок этишди.

Баркамол авлод йилида туман ҳокимлиги, прокуратура ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 7 мар-

та шундай тадбир ўтказдик, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директори Баҳодир Тоғаев. — Ўтган йили йил ичида 1200 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Бугун яна 185 нафарига мутахассисликка бўйича йўланмалар берилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йил охиригача ўтказиладиган навбатдаги меҳнат ярмаркаларида 2,5 миң нафар киши муҳим иш жойига эга бўлади.

(ЎЗ мухбири)

Мақсуд ҚОРИЕВ

Ўзбек миллий матбуоти ва адабиёти оғир жудолликка учради. Атоқли ёзувчи, тажрибали журналист Мақсуд Қориев 84 ёшда вафот этди. Мақсуд Қориев 1926 йил 1 августда Тошкент шаҳрида тугилди. 1947 йили Тошкент давлат юридик институтини таъминлаб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим сифатида иш бошлади. 1954-1963 йилларда «Тошкент ҳақиқати» газетасида дастлаб муҳаррир ўринбосари, сўнгра бош муҳаррир вазифасида ишлаб, ўзининг журналистик маҳорати, ташкилотчилик қobiliyatини намойён этди.

Кейинчалик республикамиздаги «Совет Ўзбекистони» (hozirgi «Ўзбекистон ovozi») газетаси, «Мўштурм» журнали, «Меҳригир» газетаси каби нуфузли матбуот нашрларида бош муҳаррирлик лавозимида самарали фаолият кўрсатди. Ўнлаб истеъдодли шогирдлар тайёрлаб, ўзбек журналистика мактаби ривожига муносиб ҳисса қўшди.

М.Қориев бадиий адабиёт соҳасида ҳам барақали ижод қилиб, ўзига хос истеъдод эгаси, сўз устаси сифатида халқимизга танилди. Иқтидорли адабнинг «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Ой тугилган кеча», «Қиз узатиб борганда», «Турналар баланд учди», «Жасур қиз мадҳи», «Қалдирғочлар баҳорда келди» сингари қисса ва ҳикояларида халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар, ҳаётга, она юртга муҳаббат туйғулари тараннум этилди. Айниқса, мустақиллик йилларида қадимий тарихимизнинг ёрқин саҳифалари, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўлини бадиий акс эттирган салмоқли асарлар яратди. Хусусан, «Спитамен», «Сугд ўғлини», «Ибн Сино», «Ғазавийлар» каби тарихий романи ва «Олдуларда эди хаёли» публицистик асари миллий адабиётимиз хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мақсуд Қориевнинг миллий матбуоти- миз ва адабиётимиз ривожига йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли ёзувчи ва журналист, камтарин инсон, меҳрибон устоз Мақсуд Қориевнинг хотираси ҳамisha қалбимизда сақланиб қолади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюмси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмси

Масъулиятсизлик — жиноят

Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганлик учун ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Қонун ва шарҳ

Аҳоли саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда таъминлаш мақсадида бир неча қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда. Қабул қилинган ҳуқуқий асос, яратилган эркин шарт-шароит ҳамда имкониятлар мавжудлигига қарамай, айрим шахслар томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиб фаолият кўрсатиш, натижада бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳолати, афсуски, кузатилмоқда. Бундай ҳолатда эса аввалло жавобгарлиқни белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш талаб қилинади.

Айни шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 7-8 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бир нечта қонунлар маъқулланди. Ана шу ҳужжатлардан бири «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўлиб, у 2010 йил 25 майда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан қуча кирди. Мазкур қонунни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш ҳамда айрим шахсларнинг ўз хизмат вазифасига бепарворлик билан муносабатда бўлиши натижасида одамнинг соғлиги ёки ҳаётига етказилган зарар учун тегишли жавобгарликни белгилаш, хусусан касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлик оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш бўлиб, бундай иккинчи хавфли қилиши учун олти ойгача қамалган бўлиб, янада озода қилишдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қўшимчадан келиб чиқиб, жиноят кодексининг 66-моддасига ва 113-моддаси номига ва туртинчи қисмининг диспозициясига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимча киритилди. Унга қўра, жиноят кодексининг 66-моддаси биринчи қисмидаги «ОИТС касаллигини» деган сўзлар «ОИВ касаллиги/ОИТСни» деган сўзлар билан алмаштирилди. Жиноят кодексининг «Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш» номи 113-моддаси номи «Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш» деб, қайта номланди. Шунингдек, қонуннинг 2-моддаси

билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 57, 58, 59-моддаларидаги «ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)», «ОИТСга», «ОИТС» ва «ОИТСни» деган сўзлар тегишлича «ОИВ касаллиги/ОИТС», «ОИВ касаллиги/ОИТСга», «ОИВ касаллиги/ОИТС» ва «ОИВ касаллиги/ОИТСни» деган иборалар билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 3-моддаси билан «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, унга қўра, қонуннинг 7 ва 8-моддаси янги тахрирда баён этилди.

Биринчидан, қонуннинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллигини юқтирганлик учун жавобгарлик» номи 7-моддаси «ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганлик учун жавобгарлик» деб номланди. Шунингдек, 7-модданинг аввалги тахририда ўзида ОИТС/ОИВ касаллиги мавжудлигини билган шахснинг бошқа шахсни атайлаб шу касаллик вирусини юқтириш хавфи остига қўйиши ёки уни юқтириши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади, тарзида меъёр белгиланган эди. Ушбу модданинг мазкур қонун билан белгиланган янги тахририга қўра, била турбошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш билан бир қаторда, мазкур қонун билан жиноят кодекси 113-моддасига қўшимча қилинган бешинчи қисм талабидан келиб чиқиб, шунингдек, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади, тарзида янги меъёр билан тўлдирилди.

Иккинчидан, қонуннинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш» номи

8-моддаси «ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш» деб номланди. Шунингдек, 8-модданинг аввалги тахририда тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаслиги оқибатида одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади, тарзида меъёр белгиланган эди. Ушбу модданинг мазкур қонун билан берилган янги тахририга қўра, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларида сўз, ибора ёки атаманинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3,4,5,6,9,10,11 ва 12-моддалари ўзбекча матнидаги «ОИТС/ОИВ касаллиги», «ОИТС/ОИВ касаллигининг», «ОИТС/ОИВ касаллигини», «ОИТС/ОИВ касаллиги», «ОИТС/ОИВ» деган сўзлар тегишлича «ОИВ касаллиги/ОИТС», «ОИВ касаллиги/ОИТСнинг», «ОИВ касаллиги/ОИТСни», «ОИВ касаллиги/ОИТСга», «ОИВ касаллиги/ОИТС» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Мамлакатимизда инсон, унинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари тобора такомиллашмоқда. Эндиги асосий вазифа — мавжуд ҳуқуқий асосинг бажармаганлик оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади, тарзида янги меъёр билан тўлдирилди.

Иккинчидан, қонуннинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш» номи



Элчихона ходимлари кўчирилди

самолётлар парвози тўхтатилди

Россияда бир неча кундан буён давом этаётган ўрмон ёнғинлари боис Москва ҳавоси қурум аралаш ис газига «тўлиб» бормоқда. Ҳаводаги ис газини тарқатиш маъёридан бир неча баравар ортиб кетди. Бу эса кишилар саломатлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Шу сабабли «France Presse» АА хабар беришича, Германиянинг Москвадаги элчихонаси вақтинча ёпишти, Канада ва Польша элчихоналари ходимлари, уларнинг оила аъзолари эса ҳавоси у қадар зарарланмаган ҳудудларга кўчирилди.



«Новости» АА хабарига қараганда, тугун қалинлигини кўриш даражасининг пастлиги самолётлар парвозига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмапти. Хусусан, «Внуково» аэропортида 550 метрдан узогини кўриб бўлмапти. «Домодедово» аэропортида эса бу ҳолат ундан ҳам баттар — 325 метрдан нарини илғаб бўлмайди. Шу боис шанба кuni «Внуково» аэропорти 2 та самолётлар қозул қила олмади, бу самолётлар Қозон ва Санкт-Петербургдаги захира аэродромларга қўндирилди. «Домодедово» маъмурияти эса 5 та самолёт экипажига ўзга аэропортларга қўнишни тавсия этди. Шу кuni «Домодедово»га учинчи лозим бўлган 40 та самолёт эса умуман парвозни қолдириб қўя қолди.

Мамлакатимизда инсон, унинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари тобора такомиллашмоқда. Эндиги асосий вазифа — мавжуд ҳуқуқий асосинг бажармаганлик оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади, тарзида янги меъёр билан тўлдирилди.

Иккинчидан, қонуннинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш» номи

Автобус ва таксилар

водородли ёнилғада ҳаракатланади

2012 йилдан эътиборан Лондон шаҳрида водородли ёнилғи билан ҳаракатланувчи автобус ва таксилар йўналишларга чиқариш режалаштирилмоқда, дея хабар беради «BBC». Бу транспорт турларини водород ёнилғиси билан таъминлаш учун шаҳарда 6 та ёнилғи қўйиш шохбасчи ташкил этилади.



Водород ёнилғиси Буюк Британиянинг «Lotus» компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Компания мутахассисларининг айтишича, водород ёнилғиси атроф-муҳит учун зарарсиз бўлиб, бу ёнилғи билан ҳаракатланувчи транспортлар умуман овоз чиқармайди, демек, дивигател қийналмайди. Бундан ташқари, транспорт тез ҳаракатланади.

Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси бошқаруви фонднинг Василлик кенгаши аъзоси **Мақсуд ҚОРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдардик билдиради.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси меҳнат фахрийси **Фарҳод НОСИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия ихзор қилади.

«Ўзбекистон ovozi» газетаси тахририяти жамоаси меҳнат фахрийси, таниқли журналист **Мақсуд ҚОРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия ихзор этади.

Шоҳадир МИРҲАБИБОВ, Мирхобит МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон ovozi» мухбирлари.

Хизмат кўрсатиш сифати ошиб, истеъмор бозори тўлмоқда



Иқтисодиёт ва ислохот

Мамлакатимизда қадал амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда банк хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу соҳани тубдан ислох қилиш, банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, бундан аҳоли ҳам, республика иқтисоди ҳам катта наф қўради.

Масалан, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз тизимини бозор талаблари асосида ислох қилиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада кейинги йилларда банкнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлиmlарида қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳамда улар билан доимий ҳамкорликда фаолият юритаётган ташкилотларга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Банкнинг Андижон вилояти бошқармасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Бошқарма ўтган 2009 йил мобайнида ўз фаолиятини ривожлантириб бориб, асосий эътиборни банкнинг актив ва пасивларини муқамал бошқариш, молиявий барқарорликни, банк ликвидлигини ва даромадлигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқуллона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда банкнинг келгуси йўналишларини белгилашга, хусусан, бутун диққат-эътибор банк капиталини қўпайтиришга қаратилди. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан, «Ўзпахтасаноат» уюшма-

даги Абдурашул Раҳимов раҳбарлигидаги «Ахтан gold» корхонасига айланма маблағларини тўлдириш учун 40 млн. сўм кредит ажратилиб, бунинг ҳисобига 3 та янги иш ўрни яратилди. Избоскан туманида фаолият юритаётган Фуқаро Муҳаммад Қувонгов бетон плиталар ишлаб чиқариш учун узоқ муддатга 12 млн. сўм банк кредити ажратилиб, бу ерда ҳам 3 та янги иш ўрни ташкил қилинди. 106 та кам таъминланган оилага банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 201,4 млн. сўм миқдорда кредит қорва моллари сотиб олиш учун берилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида 68 та аёл хунармандга ва асосан аёллар меҳнат қиладиган корхоналарга банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 872 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Мисол тариқасида Асака туманидаги асосан аёллар меҳнат қиладиган «Улкан-96» ном ишлаб чиқариш корхонасига 21 млн. сўм миқдорда узоқ муддатли кредит ажратилди. Шу тариқа корхонада қўшимча 12 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Хўжабод туманидаги М.Каримова раҳбарлик қилаётган «Балзам» фирмасига айланма маблағни шакллантириш учун 11 млн. сўм кредит ажратилиб, бунинг натижасида 4 та иш ўрни яратилди. Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш бўйича банкнинг барча филиалларида шу йил 1 июль ҳолатига назоратдаги умумий суммаси 15 млн. 251 миң 202 АҚШ доллари миқдорда экспорт шартномалари учун тўловлар амалга оширилган. Экспорт операцияларининг бажарилиши юзасидан қатъий молиявий мониторинг ўрнатилиб, солиқ, боғжона ва бошқа ваколатли органлар билан яқин ҳамкорликда белгиланган тартибда иш олиб боришмоқда. Масалан, махсуслот экспорт қилувчи корхоналардан бири бўлган Абдуллоқо Раҳимов раҳбарлигидаги «Ойдин индустрия» хусусий корхонасининг экспорт шартномасига асосан 5983 АҚШ доллари тўшган бўлиб, 5983 АҚШ доллари миқдорда махсуслот жўнатишган. Хўкуматимиз томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳудудлари



ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича банкнинг шаҳар ва туман бўлиmlари томонидан бир қанча кредит амалга оширилди.

Масалан, банкнинг Олтинқўл филиали мижози — «Анджон пахта» очик акциядорлик жамиятини реконструкция қилиш учун 1 млрд. 650 млн. сўмлик лойиҳани молиялаштириш банк томонидан ижобий маъқулланиб, 2010 йилнинг 1 июль ҳолатига 537 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Жорий йил 1 январь ҳолатига банк томонидан жойлаштирилган терминаллар сони 879 донани ташкил қилиб, шу йилнинг 6 ойи давомида янги 195 донна терминал олиб келинди ва 1 июль ҳолатига қўра жами терминаллар сони 1074 донани ташкил этди. Терминаллардан 6 ой ичида 1941209 донна транзакция ўтказилиб, жами товар айланмаси 32 млрд. 577 млн. сўмини ташкил этди. 2010 йил якунига қадар терминаллар сони 1500 донанга етказиш режалаштирилган.

Шу йил 1 январь ҳолатига Андижон вилояти бўйича жойлаштирилган пластик карталар сони 98446 донани ташкил қилиб, шу йилнинг 6 ойи давомида янги 12455 донна пластик карталар жойлаштирилди ва 2010 йил 1 июль ҳолатига жами жойлаштирилган пластик карталар сони 110 901 донани таш-

кил қилди. Пластик карточкаларга жорий йилнинг 6 ойи давомида 89 949 млн. сўм жалб қилиниб, 15 398 млн. сўм қолдиқ маблағ бор.

Депозит бозорини чуқур ўрганган ҳолда ҳамда бозорнинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш мақсадида «Агробанк» тизимида 19 тадан ортиқ омонат турлари мавжуд. «Тарққиб», «Агролюкс», «Ташкент — 2200 ёшда», «Омад», «Агрокапитал», «Қишлоқ фаровонлиги» каби янги турдаги омонатлар аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Омонатларга жалб қилинаётган маблағлар ҳисобидан ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кредитлар бериш йўлга қўйилган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатларининг қолдиги йил бошига нисбатан ошди. Мухтасар қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Андижон вилоят бошқармаси бакуват, барқарор молия муассасаларидан бири бўлиб, иқтисодий жиҳатдан барқарор ҳамкор эса мижозлар ишончини доимо оқлайди. Буни банк мижозлари ҳам астойдил эътироф этишмоқда.

# Замонавий асбоб-ускуналарда сифатли тиббий хизмат

ёки Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

## Тиббиёт масканларида

— Бунинг барчаси давлатимиз томонидан халқимиз саломатлиги, миллатимиз келажагини ўйлаб қилинаётган ғамхўрликдир. — дейди Сирдарё вилоят «Саломатлик — 2» лойиҳаси директори Қодиржон Жўраев. — Гапимнинг исботи сифатида айтишим керакки, вилоятимизнинг энг чекка қишлоқ врачлик пунктлари ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуна билан таъминланган. Бунинг натижасида аҳоли узоққа бормади, ўзи яшайдиган жойда самарали шифо топапти.



Биргина ўтган олти ойда қарийб 1 миллиард 900 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар олиб келинди. Бугунги кунда вилоятдаги 8 та туман ва 3 та шаҳар аҳолисига ўн минг нафардан зиёд тиббиёт ходими малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шифокорларимиз Эстония давлатига бориб малака ошириб келишяпти. Бундан буён Россиянинг Томск, Новосибирск, Санкт-Петербург шаҳарлари тиббиёт ходимлари билан ўзаро тажриба алмашиш режалаштирилган.

— Она ва бола саломатлиги ҳақида қайғуриш — бизнинг бош вазифамиз. — дея суҳбатга қўшилди вилоят Перинатал маркази бош шифокори Шахло Назарова. — Марказимиз 130 ўринга эга бўлиб, аҳолининг репродуктив сало-

матлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида 390 нафар ходимимиз фаолият кўрсатмоқда. Айтиш керакки, аёлларимизнинг тиббий маданияти ошиб, ўз саломатлиги ҳақида қайғурадиган бўлиб қолишди.

— Фарзандлар саломатлиги учун ҳар биримиз масъулмиз. — дейди Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Акбар Мирзахонов. — Мустақиллик байрами арафасида 100 ўринли маслаҳат-ташхис поликлиникаси ишга тушади. Бугун жамоамизнинг 213 нафар малакали ходими болалар соғлигини ҳимоялаш йўлида бор маҳоратини ишга солиб меҳнат қиляпти. Сирдарё туманида 108 миң

нафар аҳоли яшайди. Уларга 176 нафар шифокор, 939 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда.

— Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланди. — дейди Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Абдухамид Дониёров. — Соғлом авлод камолоти йўлида туғуруқ комплекси, қишлоқ врачлик пунктлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

**Суратда:** Сирдарё вилоят Перинатал маркази бош шифокори Шахло Назарова она қувончига шерик.

## СПОРТ

Ўзбекистон футбол федерацияси мамлакат миллий терма жамоаси келаси йил 9-29 январь кунлари Доха (Қатар)да ўтказиладиган навбатдаги Осиё кубоги баҳсларига пухта ҳозирлик кўриши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқда.

## Таркибда янги футболчилар

Режага мувофиқ, Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 август куни Тиранада Албания футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувда майдонга тушади. Эътиборлиси, бу мутахассис мазкур ўйин олдиндан мамлакат бош жамоаси таркибига Азиз Ашуров, Шавкат Муллажонов, Акмал Шорахмедов, Музаффар Умрзоқов, Ярослав Крушельницкий, Игорь Таран сингари футболчиларни илк мартаба жалб этмоқда. Албания терма жамоасига қарши ўтдагидан баҳс олдиндан тузилган таркибдан жами ўн тўққиз нафар футболчи жой олган:

**Дарвозабонлар** — Игнатий Нестеров («Бунёдкор»), Азиз Ашуров («Навбахор»); **ҳимоячилар** — Махсуд Каримов, Артём Филиппов (иккиси ҳам «Насарф»дан), Саҳоб Жўраев, Анзур Исмоилов («Бунёдкор»), Ярослав Крушельницкий («Шўртан»), Шавкат Муллажонов («Олмалик»), Акмал Шорахмедов («Андижон»); **ярим ҳимоячилар** — Виктор Карпенко, Тимур Копадзе, Азизбек Ҳайдаров («Бунёдкор»), Музаффар Умрзоқов («Локомотив»), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Вағиз Галиуллин («Рубин», Россия); **ҳужумчилар** — Шавкат Саломов («Насарф»), Александр Гейнрих («Пахтакор»), Игорь Таран («Шўртан»), Олим Навқаров («Қизилқум»).

Осиё кубоги учрашувлари бошлангунча қадар футболчиларимиз, шунингдек, 3 сентябрда Москвада «Локомотив», 7 сентябрда эса Эстония терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида ўз омадини синаб кўради. Бундан ташқари, келаси йилнинг 2 январида Вадим Абрамов шогирдлари Дубайда Иордания терма жамоасига қарши майдонга тушишлари режалаштирилган.

**Эркин ХОЛБОБОВ**

# Оила пойдевори мустаҳкам бўлсин

## Баркамол авлод йили

Халқимизда «Тўрт мучалинг соғ бўлсин», деган тилак бор. Тўрт мучалининг соғлиги чиндан ҳам инсон учун бойлик, бахт. Аммо тан-сиҳатлик учун биргина тилакнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳар қандай эзгу ният уни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракат натижасида рўёбга чиқади.



Ҳузуримизда ўтирган онахоннинг афсус-надоматию оху нола-ласига инсон юраги дош бормади. Аёл вафот этган қизининг фуқаролик паспорти ва ўлими ҳақидаги тиббий гувоҳнома қўлимизга тутқазиб деди: «Бу кунни ҳатто душманимга ҳам раво кўрмайман. Шундай қилиб, кўзимнинг оқу қораси — иккинчи қизимдан ҳам жудо бўлдим. Бошқа фарзандим қолмади. Биринчидан, қизингизни эрта турмушга берманг, иккинчидан қариндошга қиз узатманг, учинчидан касалини яширманг!»

Маълум бўлишича, ва аёл қизларини турмушга узатишга узатибди-ю, тўйдан олдин соғлиги қай ҳолатда экани билан қизикмабди. Тўнғич қизини орасининг ўғлига узатган. Қизи сил касаллигига чалинган экан. Уни сақлаб қолишининг иложи бўлмаган. Тўнғич қизининг касаллиги-ю, ўлимни тасодифга йўйиб, бу оғир дард аслида кенжаотининг умрига ҳам зомин бўлиши сира-сира ҳаёлига келмаган. Хуллас, миңг уринса-да, эндигина турмушга чиққан иккинчи қизини ҳам сақлаб қола олмабди.

Сил, аслида, бедаво дард эмас. Мамлакатимизда уни самарали равишда даволаш учун ҳамма имконият ва шарт-шароит яратилган. Шифокорга — барвақт мурожаат қилинса кифоя.

Касалликлар профилактикаси оилавий ҳаётга шайланаётган ёшлар учун муҳим зарурат. Оилавий турмуш йигит ва қизнинг жисмоний ҳолатига, пировадига эса фарзандлар саломатлигига албатта ўз таъсирини ўтказди. Яна шуниси борки, оила қурилган, шу пайтгача

яширин кечган хасталик юзага қалқиб чиқади. Ота-она никоҳ арафасида ўғил-қизини шифокор кўригидан ўтказиши шарт. Мамлакатимизда никоҳ арафасида ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун етарли шарт-шароит яратилган. Кўрик ҳамма жойда бепул. Тегишли тиббиёт муассасаларининг юқори малакали шифокорлари бу жараёнга жалб этилган.

Бугунги кунда туманимизда 10 дан зиёд касб-хунар коллежи фаолият кўрсатаёпти. Охириг курсда ўқитган аксарият талабалар эса мустақил ҳаёт бағрига отланишяпти. Тиббий кўрик, никоҳ шартномаси, «Оила кодекси»нинг мазмун-моҳияти юзасидан улар ўрта-сида махсус ҳафталик ўқув курслари ташкил этилган. ФХДБ бўлими маҳаллий хотин-қизлар ташкилотлари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан бирга, ўқув муассасаларида, маҳалларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Афсуски, оилани фақат эр-рият никоҳ асосига барпо этганлар ҳам учраб туради. Одатда, бу қабилида турмуш қурганлар тиббий кўриқдан ўтишни унуттишади. Шу тахлитда никоҳдан ўтган баъзи бир оилаларни аниқлаб, уларни тиббий кўриқка йўллади. Кўриқдан кейин барча, шу жумладан, никоҳланган ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳам хотиржам бўлишди.

Оила қасри қонун асосида, ибратли ва фойдали аънъаналар билан боғланса, у янада мустаҳкам бўлади.

**Малика МАТМУРОДОВА,**  
Ҳазорасп тумани  
ФХДБ бўлими мудири.

## Баркомол авлод орзуси

Жиззах туманидаги 1-ўқувчилар ижодий маркази ёзги таътил кунларида ўғил-қизлар билан янада гавжум. Бу ерда бадний гимнастика, зардўзлик, кулупчилик, пазандачилик, бичиш-тикиш, бадний ҳаваскорлик, хориж тилларини ўрганиш каби тўғарақлар ташкил этилган бўлиб, уларга 572 нафар ўғил-қиз жалб қилинган.



Умар РАХИМЖОНҚУЛОВ (ўса) олган сурат.

# Боши берк кўча



## Бефарқ бўлманг, одамлар

Исломи дини инсонларни инсоф-адолатга, йимон-эътиқодга ундайди. Бузғунчиликни, одамлар ўртасига нифоқ солишни қоралайди. Аммо шундай қабих кимсалар борки, улар динни ниқоб қилиб ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилишади.

Деновлик Абдуқодир Жўракулов 2006 йилда Москва шаҳрига ишлашга кетади. Маълум вақт Россия пойтахтидаги масжидга қатнайди. 2008 йилнинг июль ойларида ингуш ва доғистонликлар билан танишади. Уларнинг Чеченистонда бўлаётган воқеалар, муслмонларнинг ислом дини учун «жиҳод» қилишаётгани ҳақидаги гурунглари Абдуқодирнинг онгини заҳарлайди. Турли давват ва чақирикларга қизика бошлайди.

«Раҳнамолар» унга диний экстремизм, фундаментализм, ақидапарастликка йўғрилган ёвузлик руҳидаги талай қўлланма ва тасвирларни Ўзбекистонда тарқатиш, тарафдорларни кўпайтириш-

ни таклиф қилади. Шу орқали бириктириш, сафларни тўлдирish таъкидланади.

Абдуқодир «билимларини» Москвада таълим олаётган ёки меҳнат қилаётган ҳамюртларига ҳам тарғиб қила бошлайди.

— 2006 йилда магистрлик даражасини эгаллаш учун Губкин номидаги Россия Федерацияси Давлат университети «Нефть ва газ» факультетига ўқишга кирдим. 2008 йилнинг март ойида негериалик Абдулбосит деган йигит билан танишдим. — дейди Комил Бердиёров. — У мени намоз ўқиш ва турли диний амалларни бажаришга даъват қилди. Иккаламиз Москва шаҳрида жойлашган марказий жомеа масжидига

борар эдик. Абдуқодир Жўракулов ва бошқалар билан шу ерда танишдим.

Шу тариқа уларнинг сафи кенгайиб боради, турли чақирик ва даъватлар акс этган фильмларни биргалашиб кўришди ва таниш-билиш ҳамда «биродарлар»нинг кўл телефонларига кўчириб бериш, дискларни кўпайтириш ва тарқатиш билан шугулланади...

Абдуқодир 2009 йил ўз юртига қайтади ва «ўрганганларини» тарғиб эта бошлайди. У ва унинг сафдошлари асосан тор доирада суҳбатлар уюштиради ва ислом динига ёт бўлган тушунчаларни тарқатиб, турли жойларда «машварат»лар ташкил этишади. «Толибу илмлар» 2009 йил-

нинг 12 июнь кеч соат 20 ларда яна учрашади. «Амир тайинлаш» йиғинини тоғли хууд — Сангардада ўтказишга келишиб олишди. Йўлдаги тортишувлардан кейин бу «лавозим»га Хуршид Шамсуддинов лойиқ экани айтилади. Келгусида «Исломи жиҳодчилари» диний-экстремистик оқимининг минтақавий гуруҳини ташкил этишга қарор қилинади.

— Тириқчилик қилиш учун Москвага борганимда юртдошлар билан танишдим, — дейди Ойбек Шамсуддинов. — У ерда тожикistonлик Хожи Мирзониинг ваҳхобийликка оид диний маърузаларини эшитдик. Ўзаро мунозаралар бўлди. Баъзи йигитларнинг исмларини ўзгартириб, лақаб

билан чақирардик. Ўша вақтдаёқ «амир тайинлаш» ҳақида гап-сўз бўлган эди.

Тезкор тадбир давомида гуруҳ аъзоларидан диний оқимдаги талай китоблар, дисклар, қўлланмалар, ноутбуклар, компьютерлар, уяли телефонлар, сканерлар, клавиатуралар, мониторлар далилий ашё сифатида олинди.

Суд ҳукми билан айбдорлар айбига яраша ҳазоланди.

Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Диндорларга етарли шарт-шароит яратилган. Лекин бу эркинлик ва имкониятни суистеъмол қилиб, тинчлигимизга раҳна солувчи, одамлар ўртасида нифоқ уйғотиб, динни бузиб кўрсатадиган кимсаларга нисбатан доим ҳушёр туришимиз керак. Сергаклик ва огохлик эса тинчлигимиз кафолатидир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

# ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли шартларга асосланган «Умид» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 15 ой муддатга йиллик 25 фоиз миқдориди даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Омонат буйича ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида миқдорининг ихтиёрига кўра унинг биринчи талаби буйича берилиши таъминланади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефон орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

**BOSH MUHARRIR:**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta't yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

**BO' LIMLAR:**

**Partiya hayoti** 233-10-13  
**Madaniyat va sport** 233-69-45  
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 233-20-36, 233-44-55  
**Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot** 233-12-56  
**Reklama va e'lonlar** 233-38-55, 233-47-80  
**Mas'ul kotib** 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

**Andijonda —** 25-32-70  
**Buxoroda —** 223-06-02  
**Gulistonda —** 25-46-45  
**Jizzaxda —** 227-48-35  
**Navoiyda —** 223-83-73  
**Namanganda —** 226-43-81  
**Nukusda —** 222-77-21  
**Samarqandda —** 35-02-55  
**Urganchda —** 517-30-58  
**Farg'onada —** 224-18-78  
**Denovda —** 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbarchi: Dilshod NARZULLAEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-tuzgunchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749  
8091 nusxada bosildi  
I — Tijorat materiallari  
ISSN 2076-7633  
O'zA yakuni — 20.35  
Topshirilgan vaqti — 22.15  
1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda